

МУСТАҚИЛЛИК АСРАЙМИЗ СЕНИ, КЕРАК БЎЛСА ЖОНИМИЗ БИЛАН



Истиқлол туйғуси

РОСТГҲҲЙЛИК

Замонлар ўтади. Дунё эврилади. Авлодлар ортидан авлодлар келади. Замин издиҳоми янра рўй берган ва рўй бераётган воқеа-ҳодисалар. Узартишу янгилашиллар, ҳабоҳат ва эзгулик, ёлгон ва рост, адду алолат тарозусига кўйилади. Бутун-бутун даврлар ва одамлар фаолиятининг сарати саракка, пучаги гўшакка ажраллади. Ана шундай улғу сўров ва интиқом кўнида муқаррар фақат бир нарса — Рост гап, ҳақиқат, таънага қилади.

Ўзбекистон давлат сифатида мустақиллигини эълон қилди. Мустақиллик йўли яқин аждодларимиз учун нақадар мушкул бўлган бўлса, ҳозирги авлод учун янада оғирроқ бўлади. Чунки, бу авлод бузилган, топталган йўлни қайта обод қилиш, ёлғону нафратларга қоринтирилиб, йўқлик қаърига уқоритилган ўтмишимиз юзиданги чанг-ғуборлару қора бўёқларни тозалаш шарт. Мен мустақиллик йўлида биринчи гада қандай ишларни амалга ошириш керак деганда, халқимиз вақилар йўлида биринчи билдириётган талай фирмулоҳазаларга қўшилган ҳолда, Ватанимиз тарихи, бугуни ва келажак ҳақида РОСТ гапни гаширидан бошлаш лозим деб ўйлайман.

Рост гапни гапирши бутунлай тарих тусини олаётган тоталитар тузумдагина эмас, барча замонларда қийин ва фожиали бўлган. Инсоният ўтмишининг энг катта сабоғи ҳам шу. Аммо мард, фидойи инсонлар азбаройи ҳақ сўз учун ўлимнинг юзига тик боқилган, керак бўлса бошларини жаллод кундасига қўйишган. Бунга буюк Суқротдан жумард Чўлпонгача истаганча мисол келтириш мумкин. Индидаги ўтмишнинг ана шу муқтадар сабоғини унутши мумкин эмас.

Кўпчиликни бир нарса ҳайрон қолдиради. Эркин замон тўғрисида сўзга келганда Туркистон тарихининг XIX аср инқилоби армияга оид воқеаларга бирмунча оидкири киритилган бўлса-да, баъзилар ҳамон қотма қарашлар ва ёлгон ақидалардан қўтила олмайтилар. Фикрнинг бир мисол билан далилламоқчиман.

Шу йил рўномадорнинг бирда Тошкент Давлат маданият институти профессори, тарих фаилари доктори О. Қосимовнинг «Ат-рофинда дўстларинг турса...» номли мақоласи чоп қилинди. Мақоладан кўзланган ният эгу, Россия ва Ўрта Осиё халқларининг яқин ўтмишига маданий алоқалари ҳақида баҳоли кудрат сўз юрйтилади. Аммо шу жараёни ёритишда ошқоралик, тош-тарозусига дош бераолмаган, шовинист муаррихлар томонидан зўрлаб тиқштирилган, фанда эса алақачон муносиб баҳосини олган қарашлар ҳўмрон. Наҳотки тарих фаилари доктори «Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан кейин...», «Туркистоннинг Россияга қўшиб олинши...» деб ёзса? Ахир, тарихимиздан жой олган сохта ва ёлгон илму аъмолларни тарихчи олимларимиз фол қилишлари,

халққа ҳақ ва ҳақиқатни рўстлаб беришлари керак эмасми? Хўш «қўшиб олиш» қараёнида куросиз, ҳўмосиз аҳоли тўпа тўтилиб, шаҳару қишлоқлар вайрон этилиб, одамларнинг уй-жойи, мазори, имон-эътиқоди шадфатсизларча ҳўрланиб, куллиқ асоратига солинаркан, «қўшиб олувчилар» «қўшиб олинган» халқни тоштап, ҳақоратлаб, қилич ва мийлик даҳшатли Сибирь сургунлари билан унинг устидан мутлак ҳўкмронлик қилиши — босқинчилик эмасми? Ёки босқинчи сўзининг асд моҳит-маъносини тўла намоён бўлиши учун Туркистон халқларининг бошига тушган бу шўришу фожиалар камлик қиладимки?

Олима «қўшиб олиниш»нинг «таракқий-парвар жихати»ни рус ва маҳаллий халқ ўртасида бирдамликни юзага келишида кўради. Тўғри, икки халқ ўртасида яқинлик вужудга келди. Бирок, Туркистон «қўшиб олинган» сўнг, Россиядан минглаб деҳқонлар (чўчки айнаи шу пайтда крестнойлик бекор қилиниб миллионлаб муқиллар озолинка чиққан эди), ишонилар, очлар, гадолар янги

сўзлар сандиғига солинимасин, нозик, пухта ишланган бўлмасин уни илгаб олиш қийин эмас. Ҳамма фойна шундаки биз кўпгина ёлғону қўнимоқчи, ўрганмоқчи бўламиз. «Сиз мустақил, озо республика» дейиши — ишондик, «сизни қўшиб олишган», сўз кейинроқ эса «ихтиёрий қўшилгансизлар» дейиши — кўнникдик, «сиз саводсиз, маданиятсиз эдингиз» дейиши — яндамай бош эгдик. Начора, «улуг оғамиз» амри — вожиб, иродаси қонун эди.

Сиеъатда ёлгончиликка, иқтисодда кўз-бўямачиликка марказдан «Катта пахтакор»нинг ўзи фатво берди. Сўнг бу иллатларнинг ўчоғи Ўзбекистон деб эълон қилинди. Турли сиеъий ақидалар нибобиди миллитимиз қатлу қатагон қилинди. Ўзимиздан чиққан «ар-боблар» бир пайтлар шаҳар дарвозалари калитларини босқинчи ёллар қўлига топширган бўлсалар, энди минглаб кишиларнинг қора рўйхатларини тўтдилар. «Ўта муҳим ишлар» бўйича ўта ифрос теровчилар билан «қўли қўлга бериб» ишладилар. Ёлгон яна минобарларни, матбуот саҳифаларини эгаллади. Ҳақ гапни, рост сўзни қадди букидди. Аммо синмади...

ПУБЛИЦИСТИКА

Ўлкага ёпирилиб келганлиги, ўз юртида заррача қадри бўлмаган бу кишиларга Тошкент атрофидаги маҳаллий деҳқонларнинг қадимий ва энг унамдор ерлари тортиб олиб берилганлиги, ерди халққа эса генерал-губернатор бўйруғи билан Сирдарёнинг чап қирғондаги чўл ва даштдан садақа берилганлиги фактидан ҳам кўз ююлмайди. Бундай сиеъат икки халқ ўртасида бирдамлик эмас, кўпроқ нифон уруғини сочган. Ахир, ҳозир ҳам турли йўллар билан Ўзбекистон мустақиллигига тажовуз қилаётган кучлар зўр бериб халқлар ичида муҳолифлик келтириб чиқаришга урунмоқдалар-ку! Икки халқ орасидаги дўстлик тенглик асосида эмас «улуг оға» ва «муте ука» шаклида нечагача амал қилдику!

Тарихимиздаги «оқ доғлар» бартараф этилаётган шу кўнларда ҳар қандай тарихий воқеа ва шахслар фаолиятига баҳо беришда онг-тафаккуримизни емирган манкуртлик андозаларига эмас, чўқур илмга асосланган адолатли нуқта-назарга эргашимиз зарур. Тасодифни қарангки, рўномада О. Қосимова мақоласининг ёнидан муътабар Ҳадис намуналари берилган экан. Ўйлаймики, олима ўзларининг «ижодо»ларини ўқийтиб Ҳадисдаги «Тангри наздида энг яхши гап — рост гапдир» деган оятга кўзлари тушиши эҳтимол.

Ёлгон қанчалик чиройли ва жимжимадор

Москвада демократлар галабасидан сўнг яна бош кўтарган Гдлнинг сўнги байёотларини ўқиб ёлгончилик, бебурдлик, мунофиқлик эғизак эканлигига яна бир қарра ишонасиз. Дўшпа тор келганда СССР халқ депутатлари сьезди миғбаридан «мен ҳеч қачон ўзбеклар иши деган эмасман, бу «ўзбеклар иши» эмас — Москва иши, Кремль иши» деб дўнбга жар солган одам кўни кеча «Аргументы и факты» рўномасида яна «ўзбеклар иши» деб эски «қаҳрамонлигини» кўмсаб қолганлигига нима дейиш мумкин?

Юсқак минобарлардан янграётган, ўзини ҳақиқатга энг олий даъвогар ҳисоблаётган баъзи рўномадор саҳифасида, марксистик дунёқарашини байроқ қилиб олган айрим олимлар «илмий иш»лари бағридан паҳоҳ топган ёлгоннинг йўлини фақат юсқак ақл-фаросат ва ростгўйлик билан тўсиш мумкин. Улуг файласуф ёзувчимиз Фитрат бундан 70 йил муқаддам: «Эй Улуг Турон, арслонлар! Улукс! Сенга не бўлди? Қолинг қалайдур? Неҳун кулларга қолдинг?... Дунёни «ўрқо»лари билан титратган йўлбарс юракли болаларнинг қани? Ер турғонини кўйларга учратурган тор гадала, ўғонлашни қани? Неҳун товушлари чиқмайдур?» — деб юртимиз халқини мустақилликка даъват қилган эдилар. У табаруру зотинг оташин истаги бугун ҳақиқатга айланмоқда. Йгона ниятимиз Ўзбекистон республикаси фарзандларининг «товуши» — РОСТ сўз бўлиб, ҲАҚ ва ҲАҚИҚАТ бўлиб янграсин!

Жалолиддин САФОЕВ.

Муаммо ва таклиф

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТГА МУТАХАССИСЛАР КЕРАК

ҲОЗИР республикамиз иқтисодий, сиеъий ва ҳўқуқий ислоҳотлар даврини бошидан кеирымқода. Мана шу мураккаб жараёнинг иқтисодий ва ҳўқуқий неғизини ташкил этадиган қонунларимиз қандай бўлиши лозим?

Тўғри, «Ер тўғрисида»ги, жамият ва ишлаб чиқаришнинг базаси бўлган «Мулкичилик тўғрисида»ги, республика ишлаб чиқариш бўғинларининг асосини ташкил этадиган «Корхоналар тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши бугунги кўнмиздаги йирик воқеалардир.

Мулк — ҳаёт манбаи. Қонун уни тартибга солишга ёрдам беради. «Ўзбекистон ССРда мулкичилик тўғрисида»ги қонунимизда барча мулкларни республикамизда истиқомат қилувчи шахсларнинг бойлиги деб тан олдик. Аммо бунга амалда қандай талдиқ этиш лозим.

Фикримизча, барча давлат объектларини бирданга эмас, балки босқимча-босқимча хўсуслиштириш керак. Дастлаб районлар, вилоятлар, шаҳарлардаги давлат тааллуқли мулкларни хўсуслиштириш лозим. Бу жараёни ўтказиш пайтида тортинмасдан, удабўрун, ишбилармон шахсларга, жамоат ташкилотларига мулкларни келиши асосида топшириш лозим. Шунингдек, ихчамроқ бўлган ўртача корхоналарни кенг ривожлантиришга ҳамда ажнабий давлатнинг ҳамкорлигига суянишга тўлиқ йўл очилгани дуруст.

Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги тарихида Қонунларнинг тартибга солиши ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш босқимасини кенгайтириш керак. Айниқса, унинг тарихида граждандарлик ҳўжалиги (балки тижорат) ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг тартибга солиш билан боғлиқ бўлган янги бўлимлар очини ва уларга республикамиз таниқли олимлари ва мутахассисларини эътиборга олган ҳол

да, айниқса, Мустақиллик Декларациясига асосланган ҳолда ишлаб чиқмоқда. Қисқа вақт ичида вазирлигимиз томонидан 50 дан ортўқ қонун лойиҳалари ишлаб, чиқилди. Буларда барча ҳаракатдаги ҳамда келажакда вужудга келувчи корхона, ташкилот ва муассасалар ҳўжалиги ва маданий ҳаётга табиий, иқтисодий, ижтимоий ва демографик шароитларни ҳисобга олиб миллий ўзинга хошликини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Шунингдек, биринчи мартаба маҳалла мулки, оила мулки ва хўсусли мулкларининг янги-янги шакллари вужудга келтирилди. Фуқаро манфаати энг юқорига қўйилди. Инсоннинг улўғлиги, ор-номуси, қадр-қиммати, унинг моддий ва маънавий манфаатларини ижтимоий ва ҳўқуқий асосда ҳимоя қилишга катта эътибор берилди.

Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисида»ги қонуниди аса «Ер Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон МССЖнинг чин маънодаги мулкидир» дейилган. Қонунга кўра, ер шахсий мулк ҳўқуқи асосида фуқароларга берилмайди, лекин уларга берилган ер участкалари бир умрга мерос сифатида қолдириш ҳўқуқи берилди.

Қонунларини ишлаб чиқишда бошқа республикаларнинг тақрибларидан ҳам фойдаланиш фойдалан ҳоли эмас. Қонун то маънода қонун бўлишини учун мутахассислар қўлидан чиқиши лозим. Шунинг учун республика Адлия вазирлигининг «Қонунларни тартибга келтириш ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш» босқимасини кенгайтириш керак. Айниқса, унинг тарихида граждандарлик ҳўжалиги (балки тижорат) ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг тартибга солиш билан боғлиқ бўлган янги бўлимлар очини ва уларга республикамиз таниқли олимлари ва мутахассисларини эътиборга олган ҳол

мувофиқдир.

Бундан ташқари мамлакатимизда кўпчилик дорилфунунлар қоида ташқи иқтисодий алоқалар билан муғуллашган бўлишлар, мутахассислар мавжуд, аммо уни ҳўқуқий томондан тартибга солишни яқини билишмайди. Шуларни эътиборга олиб, келажакда юридик институти қошида «Хўжалик ҳўқуқи ва ташқи иқтисодий фаолият» кафедрасини очини мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қадимги Рим ҳўқуқшуносларини «хўқуқ ижодкорлари», деб атаганлар. Лекин шундай буюк мерос — «Наҳон маданиятининг ҳўқуқи ва маданий ёдгорлиги» бўлган Рим граждандарлик ҳўқуқининг асослари курси кўнундаги бўлим талабаларни учун ўқитилмайди. Чет мамлакатларнинг оила ҳўқуқи ва кўпгина ҳўқуқий соҳалар бўйича талабаларимиз тасаввурга эга бўла омайди. Кўпчилик олимларини, тақрибали ҳодимларини соатбаи асосида бўлса ҳам талабалар ҳўзурига келтириш зарур. Хўқуқшунослик факультетининг талабалари академик Шавкат Закариевич Ўразаевни «Магистр келаяпти» деб кўтиб олишарди. Энди у кишини аудиторияларда кўришлик насаиб қилмаяпти.

Бизнинг фикримизча, маъмурий соҳа ҳўқуқшунослари, давлат ва ҳўқуқ назариячилари Х. Раҳмонқўлов, А. Аъзамхўжеев, И. Зиниров, Ш. Шорраҳмедов, В. Блиндер, П. Абдумажидов, А. Саидов, Э. Эгамбердиев мактаблари асосида талабаларни тарбиялаш катта фойда келтирган бўлур эди. Бу эса республикамиз учун маънавий ҳўқуқшуносларни тайёрлашда яқини самара бериши таъин.

О. ЭРНАЗАРОВ, Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги жамоат тарбияшлар босқимасининг бўлим бошлиғи, юридик фаилари номзоди.

Танишинг: фермер Қудрат ШЕРБЕКОВ



ЗАМОН ТАЛАБИГА ҲАМНАФАС

Қудрат ака Шербеков асли чўкувар оғла бошлиқ. Мирзачўлининг кўпгина хўжалиқларини очини ва у ерда меҳнат қилиш Қудрат Шербеков номи билан баъосита боғлиқ. Ҳаммаи замон талаби билан ҳамнафас иш юрйтишга одатланган Қудрат ака 1990 йилда фермер бўлишга аҳд қилди.

— Республикамиз аҳолисининг озик-овкатга, айниқса қорачилик мақсулотларига бўлган талабни қондиришга ўзининг камтарин маҳкаматин билан ҳўса қўйиш фикри мени шу йўлга бошлади, — дейди фермер биз билан сўзбита.

1990 йилда давлатдан 4 йил муддатга 30 минг сўм қарз олиб иш бошлаган оилавий фермер шу кунгача давлатга 9 тонна гўшт, 27 тонна сўт топширди. Ҳозирги кунда оилавий фермер қарамоғида 40 бош қорамол парварши қилинмоқда. Чорва молларининг озундаси учун 40 гектар бозор майдонидан мўл ташқи йиғиб олдилар. Қудрат аканинг 9 фарзанди бўлиб унинг турмуш ўртоғи қарамон она Турсуной она, келини Барно, қиз Манзура, ўғиллари Бахтёр, Фарҳод, Фаруқлар эндиликда ҳақийқ қоравдор бўлиб қолди. М. Дадамонов номи давлат ҳўжалиги маъму-

рияти оилавий фермернинг ишидан мануни. Чунки режада белгиланган қорачилик мақсулотларини давлатга ўтказиш топширилари ўз муддатда удадланмоқда.

СУРАТЛАРДА: фермер Қудрат Шербеков (ўртада) ўғиллари Олим ва Холмий Шербековлар билан республикамиз мустақиллиги наҳдаси ва унинг маъсуляти тўғрисида сўзбашмоқда. Ундаги ва чапдаги суратларда эса Қ. Шербековнинг келини Барно ва қиз Манзура.

У. ҚўШВОҚОВ олган суратлар.

БИЗ МЕҲНАТ КИШИЛАРИМИЗ

Халқимиз салкам бир аср мобайнида, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини, кўрешаётганини дилдан ҳис этиб яшади. Ўз шахсий ҳаловатидан воз кенди. Мамлакат кудрати ортса, гўнимлар ҳайиқайди, деб ўйлади. Душман ичимизда эмас, ўзга юртларда, деган хавф онгимизга мумлаб тешланди.

Бирок, август воқеалари кўзимизни мошдек очиб қўйди. Сафимизни ташқи эмас, ички душманлар бузди.

Биз меҳнат кишиларимиз. Тўғри йўлдан бошлашса бас, эл-юрт бахт-саодати йўлида ҳаллоп ишлашдан бўлак муддомиз йўқ деб ўйладик.

Афсуски, мамлакатнинг бир гуруҳ рақобарлари, сиеъатдонлар халқни эзгуликка бошлаш ўрнига фитна ва бузғунчиликка йўл очиб берди-лар. Мамлакатни зўрвонлик билан бошқариш даври алақачон ўтиб кетганини тушуниб етмадилар.

Содир бўлган маъшум воқеалар айрим сиеъатдон рақ-

барларга бўлган ишончимизни чил-парчин қилди. Бошбошдоқликларга бундан буён бепарво муносабатда бўлолмаслигимизни чўқур англаб етдик.

Одамларга доно йўл-йўрқ кўрсатадиган, чинкекам из-зет-хўрмет ва ишончга сезовор ҳокимият органлари, ишбилармон нихолда зарур. Ўйлаймики кишилар орзу қилган мустақил сиеъатли ҳўкумат Ўзбекистонда мавжуд. У оммани миллий мустақиллик, дўстлик ва ҳамкорлик йўлларидан дадил олға бошлашига ишонамиз.

Жамомиз аъзолари ушбу маъсуляти кўнларда Ўзбекистон ҳўкумати ва президентимиз Ислам Абдуғаниевич Қаримов таклиф этаётган сиеъий йўл ва белгиланаётган тадбирларни астойдил маъқулламоқдалар.

Жумабой МАҲМУДОВ, Шовот райониди К. Раҳимов номи жамоат ҳўжалиги бригада бошлиғи, Хоразм вилоят кенгаши депутати.

ТАНТАНА ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН

Яқиндагина мустақил жумҳурият деб эълон қилинган диёримизда буюк шоир тўйи тантаналари бошланиб кетди. Газаал мулкнинг султони бўлиш Навоий тўйида иштирок этиш учун жаҳоннинг турли мамлакатларидан пойтахтга кела бошлаган меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томондан жорий йил Навоий йили деб эълон қилингандан буён ушбу юбилейга бағишланган жуда кўп тадбирлар амалга оширилди. Йўлмадан, тантана қатнашчилари учун махсус «Пресс-бюллетен»нинг 1-сонини тайёрлаб қўйилди. Рангли бу нашрда Навоийнинг ҳаёти ва ижодига доир наҳид расмлар, шоир ижодидан намуналар ва сермаъно ҳикमतлар ўрин олган.

ЎзТАГ.

УШАЛГАН ОРЗУ

74 йил биқинқан қалблар садо чиқарди — Ўзбек халқи ўз ноинин бутун ейдиган бўлди — мустақил Ўзбекистон Республикаси қонун билан белгилаб қўйилди. Ер юзи харитасида яна бир давлат пайдо бўлди.

Қандай бахт бу, ўзбек халқи учун!

Ахир, 20- ва 30-йилларда истиқлол учун курашган минг-минглаб ўзбек аниелари айбон бўлди. Сталинка диктатура ва унинг яловбардорлари мустақиллик йўлида бош кўчиланмасдан, беаёв қатагон қилди.

Миллий истиқлолнинг истиқбол йўлини қирғиб, энг аввало — ўқитувчилар, журналистлар қирғин қилинди. Утир фикрларлар хазон қилиниб, тафаккур қобилиятлари ўрта-миёна бан-

далар ҳомийликка сақлаб қолинди.

Гапнинг қисқаси, ана шундай ўрта-миёна бандалар билан шу кунгача етиб келдик. Атоқли педагог, ўқитишшунос Ашурали Зоҳидий айтган «қолоқ халқ бўлмаган, азалдан маърифатли бўлган ўзбек халқи» кейинчилик қолоқ, маданияти, фани ўсмаган халққа «айланди». Советлар ҳокимияти даврида мажруҳлаччи ўзбеклар «99 фоз са-водсизликка» ҳақоратланди. Ваҳдалани, халқимиз ўша буюк ниқилобгача ҳам 31 фоз олимۇ фозиллар, отину муларрислар, саяь-атқору хўнармандларга эга эди.

Мана, даврлар ўтиши билан узок муддатли орулар ҳам ушалди. Истиқлол жуда осойишталик, ақиллик, муштаралик, қон тў-

кишларези амалга оширилди.

Энди ҳамма гап ана шу — қонун билан муҳрлаб қўйилган истиқлол бандларини оғишмай, изчилик билан амалга оширишда. Ишқилиб халқимиз учун тарихда биринчи марта қонун билан белгилаб қўйилган мустақилликка 30-йилларнинг иккиоздамачи гала-мисларининг думлари бош кўтариб дўттиозлики, сотқинлик доирасини чертмасини. Хўшёр бўлайлик, сотқини хонин, фикрларни дардан ва ногирон бўлиб қолганлардан сақланубина қолмай, уларга зарба бериш аносиди истиқлолнинг мустақиллик билан.

Ҳайдарали УЗОҚОВ, Тил ва адабиёт фаилари номзоди.

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбеклар (туркистонликлар)нинг талабалари ҳамда муаллимлари билан суҳбатлашдилар.

Шу кунини «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг маданий-ахборот марказида жумҳурий савдо-саноат доираларининг намоиядалари билан учрашувлар бўлди. Учра-

шуви Ўзбекистон Ишбилармонлар уюшмасининг Президенти Э. Н. Хўжаев оиди.

Учрашувда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан пайдо бўлган янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари қўшма корхоналар тузиш, бу корхоналарда ишлайдиган кадрларни тайёрлаш,

ўзбекистонлик ёшларни хорижий мамлакатларга ўқитишга юбориш тўғрисида фикр алмашдилар.

Ватандошлар билан бундай фойдали учрашувларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ва жаҳон

ТАЛАБАЛИК—ОЛТИН ДАВР

Тошкент Давлат дорилфунунида хорижий талабаларни ўқитиш тайёролик курсининг ташкил этилганга мана 30 йил бўлди. Шу давр мобайнида 40 дан орტიқ чет мамлакатларнинг минглаб ёшлари...

бу даргоҳда таҳсил олишди. СУРАТДА: ўқитувчи Татьяна Жданова Хиндистонлик талаба Делиб Касяб билан.

М. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат. (ЎЗАТГ).



Рикордо ЗИППОЛИ:

«Навоий ижодини компьютер ёрдамида ўрганаётман»

Қўйлаб хорижий меҳмонлар, номи жаҳонга машҳур бўлган олимлар, ўз фаолиятида ўзбек адабиёти асосининг ижоди билан у ёни бу ҳолда алоқадор бўлган кишилар Тошкентга, Навоий мавлудининг тантаналарига ташриф буюришди. Уларнинг бири италиялик профессор Рикардо Зипполидир. Унинг Ўзбекистонга биринчи марта келиши, Р. Зипполие жумхуриятимиз Ренессанс даврининг буюк алломалари — Данте, Петрарка, Шекспир, шунингдек шарқдаги буюк зоҳир Руми, Низомий, Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Лутфуллар орасида жуда муносиб ўрин эгаллаган буюк сўз устаси таваллуд байрамида бу ерга келганидан бахтиёр эканини эътироф қилди.

— Мен Венеция дорилфунуни Европа—Осиё тадқиқотлари департаментининг раисман, форс тилидан дарс бераман, — дея ўзини таништиради Рикардо Зипполи ва худди шу Венецияда XVI аср бошларида Навоий асарларидан олган кичик-кичин парчалардан иборат китоб чиқарилгани билан ҳам фахрланишни қўшиб қўйди. Ана шу китоб орқали европалликлар ўзбек шоири билан биринчи марта танишган ва унинг номи бутун жаҳонга маълум бўлган эди.

қондаларини дадил бузган алломалардан бўлди. Унинг лирик қаҳрамони на фақат ошн, айна вақтда шоир, файласуф, мутафаккир ҳамдир. Хўш, Навоий ўз ғазал тилини нима сабабдан форс тилида ёзган? Чунки ўша даврда форс тили шарқда энг кўп тарқалган, машҳур тил бўлиб, ғазаллар фақат ана шу тилдагина битилар, у шонрога тил деб ҳисобланарди. Навоий ғазаллари кичик қисмга бўлинди — бири унинг ўз тўғиған ғазаллари, бошқаларини эса кимлардир тақдир қилиб ёзган ғазаллардир. Шундай Ҳофиз, унинг асарларини Ҳофиз асарлари билан таққослам мен учун жуда қизиқарли бўлди. Ҳофиз ҳам ғазал бўстонининг энг зўр қондонларидан эди. Мен ўз тадқиқотларимни компьютер ёрдамида ўтказдим; унинг дастурини туздим, компьютерга қўйдим таққосладим, таҳлил қилдим. Шунда,

ИТАЛИЯЛИК ОЛИМ БИЛАН МУЛОҚОТ

масалан, уларнинг услуби, сўзларни ўзига хос равишда маржондек тизишлари, қофиялари бир-бирига яқинлигини сезиб қолдим. Бу айниқса Навоийнинг «Гарон турки» ғазали билан Ҳофизнинг «Агар он турки» ғазалида яққол кўринади. Шундай қилиб мен Навоий кимгадир кўр-қўрона эргашмаган, балки ўзининг зўр маҳоратини, мукамал шонрога санъатини намойен этган деган хулосага келдим. Унинг ҳар бир сўзи пардозланган дурга ўхшайди. Унинг фикрлари аниқ ва равшан, жуда нозик ифодаланган.

— Навоий ижоди Италияда қандай ўрганилмоқда, унинг ижоди кўпчиликка маълумми, мушаррийлар шонрига иложи борича кўпроқ таниши учун яна нималар қилиш зарур? — Сўзимни охириг саовлингизга, жавоб беришдан бошласам. Навоийни билишлари учун уни таржима қилиш зарур. Яхши таржимонлар, шоирларни топиш шонр кўпроқларини кўпроқ чиқариш керак. Навоий — жуда ноб шахс бўлиб, у қадимги дунё, ўрта аср давлари ва жаҳон уйғонини даврининг кудратли, барҳаёт зўжолари билан ёнма-ён туради. Лекин уни жаҳон миёсида ҳали нам билишди. Италияда Навоий асарлари чоп этилган, лекин жуда кам. Жумладан, унинг бир неча ғазали буюда таржима қилинган эди. «Муҳожират ул дугатайн» асарига бағишланган мақола эълон қилинди. Навоийнинг турк ва форс тилида яратилган асарлари қиёсланган мақола чиқарилди, унинг муаллифи Ганжандир. Профессор Белинжернинг, Дүсти Маврицио Пистонининг Италия кутубхоналарида сақланаётган Навоий қўлёзмалари тўғрисидаги тадқиқотлари ҳам бор. Римда, Канатаненс кутубхонасида, Ватикан кутубхонасида, Туринда, Қирол кутубхонасида, Болоньёда Навоий қўлёзмалари сақланаётганини Ўзбекистонликларга айтсам улар учун қизиқарли бўлса керак, деб ўйлайман. Бўлса Навоийнинг форс тилидаги нисбатан, турк тилидаги асарлари кўпроқдир. Ҳозирча унинг бу асарлари нам ўрганилган, лекин бу ахборотни туркишуносларга маълум қилиш муҳимдир. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар янги нақшларга йўл очди ҳамда яхши натижалар берди, деб ўйлайман. Айтганча, Пистово ўз рафиқаси билан биргаликда Навоийнинг топилган қўлёзмалари рўяхатини нашрга тайёрламоқда. Умуман эса, менинг мамлакатимда бу соҳада катта натолилогар йўқ. — Сиз европалликсиз, бинобарин жавобларингизга қараганда шарқни, унинг маданий меросини чуқур ўрганишга ҳаракат қилингиз. Навоий сизга нима билан қариди? У сиз учун адабий тадқиқотлар манбаини ёки унинг ижодида қалбнигизга ҳамоҳанг туйғуларини тойдирганими? — Ҳозир инсоният маданиятининг доно мумтозларисиз яшаш, фикрлаш, таъриш, бир-бири билан мулоқот қилиш мушкулдир. Навоийда маънавийликни таъкил этадиган ҳамма нарсалар бор. Навоий менга шунинг учун қадрлики, у ўз шеърлари мазҳабийликдан дарак берувчи илк даракчилар эканига мени шонтира олди. Ўз қадринигина эмас, айна вақтда бошқа бир алломанинг беҳисс, ўлжаб бўлмайдиган қадрини сезадиган маънавий жихатдан соғлом киши олий туйғулар билан йўғрилган шеърини қадрлаши зарур. Навоийнинг ички нафосат, туйғулар билан беҳисс боитилган ғазал мулки, унинг донолиги шоир асарларини қайта-қайта қўлимизга олишга ундайди. Қалбимизнинг энг нозик ерларини четиб ўта оладиган шеърини кишида олийжаноб туйғулар қўзғайди. Мен уни буюк сўз соҳиб, ҳар соҳани билишда ва ҳар соҳани тушунишда ўзимнинг худдоним деб биларам. Фикрларим, ўз ҳис-туйғуларимни Навоийнинг форс тилидаги мероси асосида изҳор этганимни яна бир бор такрорламоқчиман. Бу соҳадаги тадқиқотларимни давом эттираман. Ўзбекистон олимлари билан янада қалин алоқа ўрнатишга умидворман, мен улар билан дўстланиб кетдим.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА, (ЎЗАТГ мухбири).

Иқтисодий янгилликлари

ЗАВОДНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Андижон гидролиз заводи қурилгандан бун қирқ йил ичида биринчи марта ағроф муҳитни булғатмайдиган бўлиб, ҳатто у вилот марказида экология вазиятини яхшиламоқда. Завод ҳодимларининг Бутуниттифок илмий-олимлари билан амалий ҳамкорлиги тўғрисида шундай иқтисодий вужудга келди.

Олимларнинг тавсиясига биноан гидролиз заводи ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартира бошлади. Бу ерда ёпиқ тусдаги фотореакторларда майда сув ўтлари етиштиришни янги технологияси жорий этилди, ана шу сув ўтлари қайта ишланиб қимматли биологик актив моддалар олиномоқда. Пардоз-андоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ана шу тақчил моддалардан кенг фойдаланилмоқда, ишлаб чиқариш чиқилари эса молларни боқиб учун яхши озуқадир.

Хлореллани чиқитиш ҳар томонлама ишлашнинг иқтисодий самараси ҳар тонна куруқ сув ўти ҳисобига 80 минг сўмни ташкил этмоқда. Хом эшб сифатида сув ўтларини етиштириш чоғида маҳаллий иссиқлик электрстанциясида келадиган ис ғазидан фойдаланилиши эвазига соф кислород ажратиб чиқилиши ҳам илова қилиш керак.

[ЎЗАТГ мухбири].

ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИ

Сурхондарё вилотидаги ташқи савдо ташкилотлари билан Афғонистоннинг турли фирмалари ўртасида тузилган битимларга биноан чегара савдосининг ҳажми 2 миллион доллардан кўпроқни ташкил этади. Қўндалик зарур молларни ўзаро манфатли равишда айирбошлаш кўзда тутилган. Сурхондарёликлар қўшилганга ёғоч-тахта чиқитиларини, ҳўжалик молларини айрим турларини етказиб берадилар. Афғонистон томони эса куруқ мева, болалар учун аталган молларни етказиб беришни мўлжаллаган.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг бошқа турлари ҳам кенгаймоқда. Қўшма корхоналар барпо этишга тайёргарлик кўриллапти. Масалан, Термиз дарё порти билан «Афсот» Афғон — Совет жамияти контейнерларини ремонт қиладиган қўшма корхона муассислари бўлди. Термиз темир йўли узели ишчилар ташминоти бўлими билан афғон фирмаларидан бири қўшма савдо корхонаси барпо этмоқда.

[ЎЗАТГ мухбири].

Бир донишманд шундай деган экин: бахт соғлиққа ўхшайди. Бор вақтида сезмайсан. Йўқотиб қўйганидан кейин тополмай қийналасан... Ана шу ҳикматли сўзларни ўйлар эканман, жумхуриятимизда узоқ йиллар мобайнида миллий бойлик, миллий гурур сингари туншунчалар кўп такрорлангани ҳолда халқимизнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида етарлича гамхўрлик қилинмаганини алам-изтироф билан эътироф этаман. Бунинг оқибатида қатор юқумли касалликлар, камқонлик, болалар ўлими том маънодаги миллий фожияга айланди.

Хайриятки, хали буткул кеч бўлган эмас. Хали бу борада кескин бурилиш яшаш — жумхуриятимиз аҳолисининг бутунга ва истиқболини сақлаб қолиш имконияти бор. Жумхурият аҳлини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, энг оддий қулайликлардан баҳраманд этиш борасидаги Президент фармонлари ана шу долзарб муаммони ҳал этишга қаратилгандир. Бинобарин бу фармонлар аҳамиятини пасайтиришга қаратилган гап-сўзлар масъулиятсизликдан бошқа нарсасиз эмас. Ахир ўзиниғ ўйлаб кўринг: меҳнатқаш инсонга жаҳон миёсидаги оламшумул масалалар ҳақида лоф урганган кўра энг оддий, энг зарур кундалик жумбоқни ечиб бериш муҳимроқ-ку? Мир Алишер Навоий: «Омонда куёб бўлиб порлагандан кўра бир камбағалнинг кумгонини қайнатувчи чўғ бўлган афзалроқдир», деганда ана шу фикрларни назарда тутган, деб ўйлайман.

Касбим тақозосига кўра соғлиқни сақлаш соҳасига масъулман. Депутатлик фаолиятимни ҳам бевосита шу соҳа билан уйғунлаштиришга интилайман. Сайловчилардан тушган нақзалар биринчи навбатда шифоналар тармоғини кенгайтириш, мавжудларини соғлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга қаратилган.

Кейинги икки йил мобайнида районимиздаги тиббий муассасаларнинг моддий-техника асоси бирмунча яхшиланди. Марказий шифонамизнинг жарроҳлик, туғруқхона бўлимлари, юқумли касалликлар шифонаси тўла таъмирланди. Болалар юқумли касалликлар шифонасида, Олтинсой участка шифонасида янги бўлимлар ишга туширилди. Яна янги амбулатория ва 3 та фельдшерлик-акушерлик нуқталари ишга тушиш арафасида. Салкам 150 минг сўмлик янги асбоб-ускуналар сотиб олингани, замонавий усулда ишловчи кўчма тиш қўйиш хонаси ишга туширилгани даволаш-профилактика тадбирлари савиясига иккибўртаси кўрсатилмоқда. Буларнинг самараси қувончли. Бирок район аҳолиси ўртасида сариқ касаллиги каймайяпти. Устига устак

Депутат ҳисоботи

терлама, тепкили терлама, ичбуруғ сингари хасталиклар ҳам тез-тез учраб турибди.

Бунинг асосий сабаби аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланмаганидир. Водопровод сувидан баҳраманд бўлаётганлар бор йўғи 35 фонзи ташкил этади холос. Қолганлар куддан сув ичди. Аҳолини яхшилаш мақсадида ўтган йилдан бун сув тармоқлари 25 километрга узайтирилди. Аммо бу аҳолининг ичимлик сувига бўл-

нинг қадри йўқ» деганларича бор экан; бу имкониятдан тезроқ фойдаланиш чоралари қўрилмапти. Шу мана яқинида бунёд этилган лозим бўлган 220 ўрилли оналар ва болалар шифо маскани қурилиши «Колхоздравица» бир-лашмаси ҳамда Қишлоқ қурилиши вазирлигининг эътиборсизлиги боис ярим йўлда қolib кетди. Олтинсой минерал сувини ичидиларга солиб аҳолига етказиб бериш масаласи ҳам ҳал бўлмади.

Тўғри, иқтисодий таъкил, маблағ етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар ишнинг белгиларига тегишсиз. Бирок эл соғлиги юрт учун ҳамма нарсадан азия бўлиши, энг биринчи ўринда туриши лозим.

Депутатлик фаолиятимдан қониқиб туйғуси менга бегона. Зеро, халқ ишончини оқлаш бутунга кунда ҳам қанонидан кўра муҳимроқ ва қийинроқдир.

Мана эркинликка ҳам эришдик. Жумхуриятимиз мустақил давлат сифатида шаклланаётган экан, унинг ички муаммоларини энди фақат ўзимиз ҳал этар эканмиз, бунинг учун бир ёқадан бош чиқариб, ахил, ҳамжихат меҳнат қилишимиз шарт. Қадимда ота-бобларимиз замона носозлигидан зорланиб «кўза синдирган азият сув келтирган хор-зор» дейишар экан. Ҳақ ўрнида қарор топаётган ҳозирги кунда элимизнинг ташналигини қондирган юрт меҳрига сазовордир. Демак, халқ ишончини оқлаш учун, элда азия бўлиш учун энди гайрат-шиқоат, тадбиркорлик, фидоқорлик билан ишлашимиз керак.

Тўғри ҚУРБОННИЕЗОВ, Хатирчи район марказий касалхонаси бош врач, Ўзбекистон халқ депутати.

СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

яшшиланди. Марказий шифонамизнинг жарроҳлик, туғруқхона бўлимлари, юқумли касалликлар шифонаси тўла таъмирланди. Болалар юқумли касалликлар шифонасида, Олтинсой участка шифонасида янги бўлимлар ишга туширилди. Яна янги амбулатория ва 3 та фельдшерлик-акушерлик нуқталари ишга тушиш арафасида. Салкам 150 минг сўмлик янги асбоб-ускуналар сотиб олингани, замонавий усулда ишловчи кўчма тиш қўйиш хонаси ишга туширилгани даволаш-профилактика тадбирлари савиясига иккибўртаси кўрсатилмоқда. Буларнинг самараси қувончли. Бирок район аҳолиси ўртасида сариқ касаллиги каймайяпти. Устига устак

ҚИРҒИЗИСТОН ХАБАРЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТЛИККА САЙЛОВ ҲАҚИДА

ҚИРҒИЗИСТОН Республикаси Олий Кенгаши шу йилнинг 12 октябрдан жумхурият Президентлигига сайлов ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ НАШРИ

ХАЛҚ депутатлари Жалолобод вилот кенгашининг наشري «Жалолобод тоғини рўзномасининг дастлабки сони мушаррийлар қўлига келди». Бу Қирғизистонда ўзбек тилида чоп этилаётган иккинчи вилот рўзномасидир.

ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОН ИСТАГИ

ЯҚИНДА Ўшга тош маҳсулотлари билан савдо қилувчи япон умумийсининг Президенти Тайчио Хосоно ташлиб буюрди. У Ошбуқа районидagi охак ишлаб чиқаруви корхоналарда, мармлар тошга бой Узган худудида, «Ушқурилишматер и а л а р и»

ИШБИЛАРМОН ТАКЛИФИ

ТУРКИЯНИНГ «Авио» фирмаси президенти Мехмет Сандурш афанди бир неча хунлик Уш сафари чоғида қирғизистонлик кўнчиларини ҳамкорлик қилишга чорлади.

МУКОФОТЛАР

АДАБИЁТ, санъат ва меъморчилик соҳасида ҳар бири 5 минг сўмдан бўлган учта Тўтқўул номидаги республика давлат мукофотлари таъсис этилди.

ИССИҚКУЛДА ОЛИЙҒОҲ

ПРЕЖЕВАЛЬСК шаҳридаги Қирғизистон Давлат дорилфуну-

лардаги корхоналарни хом эшб билан таъминларкан. Ушлик кўнчилар билан терига ишлов берувчи қўшма корхона очмоқчи. Хом эшбни Истамбулдаги фабрикасига жўнатиб, эвазига тайёр кийим-кечалар юборишни таклиф этаяпти.

МИЛИЦИЯ МАКТАБИ ОЧИЛДИ

ҚИРҒИЗИСТОН Вазирлар маҳкамаси республика Ички ишлар министрлигининг олий милиция мактабинини ташкил этиш борасида қарор қабул қилди. Олий мактаб битиручиларига «милиция лейтенанти» кички хизмат лейтенанти унвонлари, ҳуқуқшунослик иختисосига дилом берилган.

ҚУШМА КОРХОНА

ЧУЙ вилотининг Иссикота райониде Туркия—Қирғизистон мутахассислари ҳамкорлигида пўстин ишлаб чиқарувчи фабрика қурилиши ишохосига етай кўрилди. Бу республикада бунёд этилмаётган биринчи йирки қўшма корхона бўлади. Яқин келажакда фабрика маҳсулотлари жумхурият дўкннларини пештахталарда пайдо бўлиб қолса ажабмас.


ЯНГИ ХОСИЛДАН МАҲСУЛОТ

Урганч ёғ-мой комбинати меҳнатчилари янги ҳосилни қайта ишлашга киришдилар. Чигит ёғи, кирсовун, чигит пўстиги ва кунжарнинг дастлабки туркумлари ишлаб чиқарилди. Маъсум қизғин тус олган пайтда корхона вилотдаги пахта тозалаш заводларидан чигитни кечано-кундуз қабул қилиб олишни ташкил этди.

Комбинат мавсумнинг биринчи кунларидан ҳар кун 800 тоннагача чигитни қайта ишламоқда. Корхона обдон ремонт қилинишдан ташқари бу ерда ҳодимлар ҳам синовдан ўтказилди. Ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторларни рағбатлантиришнинг янги шартлари меҳнат интизомини янча мустаҳкамлаш ва ишчилар ҳамда хизматчиларнинг меҳнатқўрлигини оширишга имкон берди. Эндилдема маҳсулот ишлаб чиқариш ойлнк релаксини ошириб бажарганлик ва сифатли маҳсулот чиқарганили учун берилиши учун бир қисминдан ҳам ошиб кетмоқда. Натижанда ҳар тонна чигитдан 190 килограмм ёғ олиноқдир. Бу эса тармоқ мезоридан кўпроқдир. Ишчиларнинг моддий рағбатлантириш фонди кўпайганининг ҳам сабаби шунда.

Енгингарлик даврида хом эшбни сақлаш учун обдорлар тахт қилиб қўйилган. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 230 минг тонна чигит қайта ишланади.

Ю. ИБРОҲИМОВ, [ЎЗАТГ мухбири].



Фаргона вилотда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш ишлари яхши йўлга қўйилиб бораётган. Вилотда «Селоматин» программаси ишлаб чиқилган бўлиб, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, қишлоқ жойларда тиббий хизматни яхшилаш — бу программанин баш мезонидир. Яна бир хайрли ишлардан — кўчма реанимация бригадаси

ташкил этилиб, қишлоқ меҳнатқашларига янада қулай хизмат йўлга қўйилиши бўлади. СУРАТДА: кўчма реанимация бригадаси аъзоларидан (chapдан ўнгга) тиббиёт ҳамшираси Одина Бозорова ва врачлар Валижон Мўйиднов, Анавар Ғефуров.

Ш. АЛИМОВ олган сурат.

БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

Андижон бозориде янги цех ҳузурида очилган дўкнчада танқиддан эндигина узилган нонлар бозор нарҳидан уч баравар арзон сотилмоқда. Бу ерда вази 300 ва 500 грамм келадиган 27 ва 57 тинглик нонлардан ҳар кун 3 мингтача тайёрланамоқда. Бозорда эса бундай нонлар нар-

ҳи 1 сўмдан бир ярим сўмга кўпаяди. Янги цех ҳозирча бир сменада ишлаяпти. Яқин вақтда иккинчи смена ҳам иш бошлайдик. Бинобарин маҳсулот ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди. Ҳозир керусиле печь ишга тушириш учун соналаниб, ишга фойдаланишга топширилгач, цех ҳар кун 10 минг

донгача нон тайёрлаб беради. Вилот савдо бошқармасида (цех шу бошқармага қарашли) ва шаҳар озмиқ-овқат савдоси идорасида нон савдосини

ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди. Ҳозир керусиле печь ишга тушириш учун соналаниб, ишга фойдаланишга топширилгач, цех ҳар кун 10 минг донгача нон тайёрлаб беради. Вилот савдо бошқармасида (цех шу бошқармага қарашли) ва шаҳар озмиқ-овқат савдоси идорасида нон савдосини

[ЎЗАТГ мухбири].



1991 йилда Навоий

Навоийден улуғ мартаба-ли давлат, дин ва маданият арбоби, турфа тоифалари эътиборида бағоят кўчмас ақлидан қаттиқ озор чеки, нола қилар экан, бу рухий тугенда нафаят даврийнинг сиёсий, иқтисодий задириятлари билан изоҳланадиган, балки сабаби чункур, ахтирол, азалий бир қонуният бор (бу, масалан, Бобурдек фотиҳ ва соҳибқирон, улуғ шоир ва мутафаккирни ҳам қаттиқ ранжитган, изтиробли, армонли ҳаётларга тодирган жумбоқ эмасми?) Шохбайт:

Онча юзсизлик улустин кўрмишам, ҳар берса даст, Истарамки, кўрмасам ҳаргиз бани одам юзин.

Байт мазмунинда англашладик, лирик қаҳрамон сиймосида асосан Навоий шахсияти зухур этади: у ўзига нисбатан шунчалар адолатсиз, андишасиз муносабатнинг туб сабаблари давр тузум-тартиботи билан боғлиқ эканлигини, чунончи, «жоҳу мол аҳлига меҳр-шафқат, садоқат, муруват ҳислари беғоналигини бошқалардан кўра яхшироқ англайди. Лекин «онча юзсизлик»нинг биринчи сабабкори ўша маҳдуд, худбин тоифа эканлиги яхши била туриб, бутун бир халқ «улус»дан зорланишга, аламнинг зўридан ҳатто «бани одам юзини кўрмасам» дея ортиқ умидсиз, аччиқ оҳангда, узил-кесил ҳукм чидаришининг боиси нимада экан, деган савол туғилади. Бундай қийноқ-маломатли сўроқ замирида то ҳауз шоир аҳли куйини ёзаётган, неча асрлар давомида қон-қонга сингиб кетган ёлгон, риё, ҳасад, фарас, тамаъ, худписандлик, бедардлик, андишасизлик, нопоклик каби инсонлик номи ва шайғига иснод келтиридан, ҳатто истеъдоднинг заволига сабаб бўлувчи аянч ва тубан қилмишлар зухур этаётгани («Бадоъул-бидоъ» дебачасида Навоий шахсан тангри илоҳийдан: «Тавбан қонил қилдот айлагил» дея илтижо қилган, ҳар бир аячи қилгани йўлдан оздиргани мумкин бўлган «нафс шумлиги, шайтон фириби, жаҳл юзқаролиги» каби офатлар бундан мустанос)... Бундай нохуш сабабларни Навоийдек покдомон, ўта нокиз сажияли, шахсий-оилавий рўшнолик чирғоғи ёнмаган, элулусдан, ҳайтдан, умрдан, ўз-ўзидан — барча-барчасидан фақат меҳру вафо, фақат шафқату муруват умид қилган, сўраган («бани одам»ни бундай сифатларсиз тасаввур этолмаган, ҳатто: «Одам бўлса вафо андин йироқ». Ит вафо бобода андин яхшироқ» каби некизи ҳукм юртган) беназир зотининг шахсияти билан тақдослаб кўрсак, ахтирол, боғи мушкул саволнинг жавоби ҳам бирмунча осон бўлар...

Агар юқоридики исолда халқнинг рўй-рост самимиёти, ошқора тўғрисузалиги зухур этган муқобил иборалар («юзсизлик кўрмишам» — «кўрмасам юзин» тазод усулида, рамаий нисбатларсиз ҳаққоний лирик лавҳа яратса, бошқа бир газада, аксинча, анъанавий тимсол акрალიб туради. Шохбайт:

Парим бўлса учуб қочсам улустин то қанотим бор, Қанотим куйса учмоқдиган, югурсам то ҳаётим бор.

Не ажабки, Навоий қушлар дунёсига хос инстинктлар инсон иродасини тасмил қилиш билан ўзи қушатган муддаонинг табиий, ҳаққоний, дардли ифодасига эришди: одагга одамлар билан «дўст» сўтингандай, ҳовли ё чорбоққа ич қурган, саҳар мардондан уйғониб хайрбод қўшнингни бошлайдиган сайроқи қушлар қандайдир фалокат хавфидани ё шум болалар дастидани бирдан ошениши тарк этиши, қайғулариди гоийн бўлиши мумкин. Лекин ўша безган куч тисмоли ҳам шоирнинг қаҳрамони — озурада ҳол ориф (у Навоий шахсига жуда яқин туради) бошга тушган тў-

зимсиз мушкул вазиятни бутун моҳияти билан очиб бернига оқинлик қилади гагдай, гўё «пар», «қанот», «учмоқ», тамбихлари шоир қушатган ният ифодаси учун фақат дастлабки замин — жадаллик рамаий вазифасини ўтайди. Чиндан ҳам ошени бузилган қўшнинг хатардан «учиб қочини» осон. Инсончи? Айниқса, Навоий қаҳрамониға етган озура ситамининг шиддатли хаттоний гоийндан қанот пайдо бўлган тақдирда ҳам, унинг парвозини энг чуқур қушлар билан қиёслаб бўлмайдиган фақуллода сўр-атни, йўқ, бошқа бир гоийн нажот йўлини тақозо қилса не ажаб! Демак, мислсиз теалик туфайли инсоннинг «қаноти куйини» муқаррар, бунда гаройиб мантин; «югурсам то ҳаётим бор» сўзлари учун бадий заминга айланади. Нақадар пурдлар, ҳаққоний туғилар ифодаси! Шу тариқа, ирсол-ул масал санъати билан оро берилган, халқона дардли, айни чоғда исенкор оҳангдаги лирик-трагик образ яратилади.

Навоий шеъринида «за-

ди: алам, армон, ўкинч ҳислари тугенига дафъи чора топмай, жоҳу молу нафс офати, шайтон ва жаҳл қушфатидан фиғони фалакка чиқиб, ҳаттоки, шундай замон ва аҳли замонга қай даражада бўлмасин дахлдорли, инсатдошлик учун ўзини жавобгар гуноҳкор, осино мужрим деб билиди, тавбан тазарулар қилди... Шу тариқа, назари йўқ улуғ шоир, ориф, мураббий бево-сита давр тақозоси, ҳаёт тажрибаси — ҳақиқат сабо-ғи сифатида бадий умумлаштирган. «Жоҳ — аитор қонунни»га айланган деган набиёна хулоса замирида ўз қиммати ва аҳамиятини тўғи-миша сақлаб қолувчи те-ран фалсафий-лирик образ яратилади.

Навоийнинг замон аҳли вафосизлигига муносабати юқоридики сингари бирдай аёвсиз, кескин бўлиши ҳа-ёт ва бадийят мантинига зид бўлур эди. Шунинг учун шоирнинг мушоҳада, муло-ҳаза, ҳукм, хулосалари ҳам ҳаётнинг азалий ва ноғи-ҳоний зиддиятларига, одам-ларнинг турли тоифасига, мавъегга қараб рангин

Ботирхон АКРОМ.

«ЗАМОН АҲЛИ» ДАН НОЛАЛАР

мон аҳли»дан адалдсиз зорланиш, биринчи қарашда, шоирнинг қаҳрамони — ошич ё ориф сўнглининг ноқилиги, ҳар қандай гу-бору шубҳадан форигилан далолатидай тулолдиган (чунончи «Ҳақиқ биров хиллатини қилди пек, сев-маса, нопок эл они невоқ») байтларга нисбатан иқтисоди-ий дард, унинг сабаблари аён кўриниб турган сатрлар устуллик қилади. Шохбайт:

Олам аҳли ичра одам демак ўлмас ониним, Жоҳ ила бўлғай анга қонуни аитор ўзгача.

Мартаба, лавозим, мансаб («жоҳ») мардоннинг турли поғоналарини шахсан босиб ўтган, турфа қиёфадаги «жоҳу мол» бандалари шуб синаб кўрган, ву-жуди ва руҳи билан вали сийрат бўлган улуғ шоир, мутафаккир инсоннинг бун-дан зарари ва хатарлироқ душмани йўқ, деган хулоса келса не ажаб! Чин-дан ҳам бу — ўша мансаб сўзи билан то унинг заво-лигача бириг яшайдиган иқ-тимоний офатлардан эмас-ми? Шу маънода шоир-нинг тафаккур ва муқома-ма кудратига, доҳиёна ба-шорат ҳисига таҳсин айт-май бўладими: «жоҳ» ту-файли инсоннинг одамга ва одамга муносабати, тирик-лик тарзи, ҳулиқи, одаги, сажияси, ҳаёт фалсафаси — бутун қиёфаси, моҳияти ўз-гарар — бошқача «аитор қонуни» билан яшай бош-лар экан. Билгасик, кўнгли-га «халқ гами», «эл коми» — меҳр, вафо, шафқат, ин-соф, диёнат, саховат, му-руват туйғуларини жо эт-ган ҳар бир соғлом одам молу мансаб даридан ўзоқ бўлади. Бас, кимки «жоҳ»-га ружу қилибди, бунинг учун худ-қатор қонунига айлантирибди — ундай маҳ-луд, худписанд шахсини «одам демак»лик на ақл ва мантинига, на ахлоқу одоб-га тўғри келди. Ичанлик шафқатсиз, айни пайда не-чирли оид ҳукми! Навоий бир умр шундай эътиқод билан ишлаган учун ҳам, унинг инсоният чеқнама-тан имконият ва имтиёзла-рига қарамасдан, том маъ-нодаги инсоний меҳра, ва-фога зор бўлиб, доимо ру-хий, маънавий эҳтиёклар илинжида изтироблар чек-

оҳанглар, қирралар касб этиши ажабланили эмас. Шохбайт:

Эй, кўнгул, давр аҳлидин минг йилчилик йўл гўша тут Е алардин етса юз минг гўсса, афғон айлама.

Бир-бирдан мушкул қис-мат йўлидан биттасини тан-лаш. «Минг йилчилик йўл»-нинг сўнги манзилдан «гў-ша туттиш»... Анъанавий му-болаганинг ироқ усулида юритилган, реалистик та-факкур меърига синмай-диган бундай гаройиб му-шоҳада, фазовий ҳаётнинг бадий-мантиний замини қа-ерда? Биринчи замин ориф тимсолидаги улуғ шоирнинг озурада кўнгли... Навоийдек буюк дардаш, одамларга дарддош сиймонинг ҳассос кўнгли бундай ҳаёлий ма-ғоз ва манзилдан нажот тиласа не ажаб! Иккинчи — асос — давр аҳлидан «ет-ган гўсса» — жафою си-таннинг айниқса, Навоий шахсияти, «бахти уйқучи» қисмати учун фақуллода таъсирли, шафқатсиз моҳи-яти, жоғеё оқибати... Дар-ҳақиқат, улуғ гуманистнинг башарий ороу-умидлари, эзу мақсадлари зиддига — олий муқофот ўрнига энг қаттол жазо тарзида қилин-ган хиёнат вафосизликлар, қаллоблик ва риёкорликлар, турфа хил адоват ва «юз-сизлик»лар олдида... сўфи-ёна гоийн бир «гўша туттиш» — узлат ҳаёли нима деган гап! Иккинчи мисрнинг ҳасрат тўла мазмунда та-саввуфона ҳол — сабр ли-босидаги руҳият илтижоси зухур этгани, бунинг шарҳи ҳам биринчи мисра таҳлилидан кам бўлмасли-гига шубҳа йўқ. Шохбайт:

Муруват рангино инсоф исн тутмағил эдин, Бу рангу буйлуқ гул йўқ чу олам гулсизонинда.

Бутун ҳаёти иқтисодий фаолияти, ижодий даҳоси инсонни золимлар зулми, фо-сихлар маломати, бетофиқ-диёнатсизларнинг ҳўрлик ва ҳақоратидан, молпараст, шах-ватпарастларнинг талонидан, турли тоифадаги баднафс, нопок ва ноқасрларнинг офат-ларидан қўриқлаш ва ҳимоя-лашга сарф этилган фидойи зот «эл» шаънига қарата юзхотирсиз сўзлар айтса

(беихтиёр аввал шарҳлаб ўтилган байт ҳаёдан кеча-ди: «Онча юзсизлик улустин кўрмишам, гар берса даст, Истарамки кўрмасам ҳаргиз бани одам юзин»). Янада на-жотсиз-жоғеё ҳол иккинчи мисрада ифодаланган фақу-лода фалсафий ҳукм: «Бу рангу буйлуқ гул» ҳали олам боғида кўнарған эмас. На-ҳотки... Ахир муравватли, инсоф-тавфиқли одамлар, гарчи камдан-кам бўлса-да, ҳаётда учраб туради-ку. Та-рих (шу жумладан, дин ва тасаввуф тарихи) ҳам бун-дай табаррук шахслар яшаб ўтганидан гувоҳлик беради. Навоийнинг ўзи «Мажолис-ун нафос» асарига қамолди ахтирол билан тилга олган, шунингдек, махсус шеърини ва насрий ёдномга асарларда номини улуғлаган Лутфий, Жомий, Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Шай-хим Суҳайб, Мир Дарवेश, Мирзабек, Нури Саид, Қам-бар Али каби фазлу қамолда якто замондошлар, айниқса, улуғ салафлар орасидан ор-миш эътиқод қўйгани — бир неча қомилу солми зот (чу-нончи «Хиротдаги даҳмаси, унинг қаршисидан масжиди жомийни таъмирлашга Наво-ий шахсан бош бўлган Хожа Абдулло Ансорий») инсоний муруват ва инсоннинг му-жассам тимсоллари эмасми-ди? Навоийнинг ўзи-чи? Бех-зод, Хондамир, Маҳмуд Му-заҳҳио каби истеъдодли, са-доқатли шоғирлариди-чи? Де-мак, «Бу рангу буйлуқ гул йўқ чу олам гулсизонинда» сатрини бамисоли маҳбуб-нинг «хуснию ноии», ошич-нинг «ишқию ниязи», «фа-но» билан «бақо», «мажоз» билан «ҳақиқат» нисбати ёки Навоий қаҳрамонининг май-га марғуб муносабати каби мутлоқ шартли-рамаий бир усул намунаси, шеърини санъатига хос муволағали-мажозий бир лавҳа сифати-да изоҳлашдан бошқа имкон, чора йўқдай туюлади... Дар-ҳақиқат шундай, яъни бу наср мантиниси эмас, шеър мантиниси. Шеърда имконга сингас ҳодис ва ҳолатдан гў-зал имконият яратса бўлади. Айниқса, Навоий таҳажюли яратган фақуллода те-ран, нафис, сирли-сехрли образлар шундан далолат беради. Ле-кин баринор, улуғ жафокаш, ҳақиқий шоирнинг мазкур бай-ти кишини ўйга толдиради. «Наинки...» Сабабини билон-май, моҳиятига етолмай қий-наламаз, инкиланимаз. Эъ-тимом, бу Навоий шахсияти билан, унинг ҳаётга, одам-ларга ортиқ даражада қат-ла, юқори талаблар қўйиши, улардан ўзи ҳаёт қилганча жуда кўп нарсани кутгани, истагани — руҳий, маъна-вий эҳтиёкларининг реал воқеалик имкониятларига син-гас, илоҳий қўлам, илоҳий касб этганидир. Шу боис-дан ҳам улусдан етган озор-ни кўнглига шунчалар қат-тиқ олгандир... Шохбайт:

Давр зул айлару давр аҳлино давр офати ҳам, Неча золимга асир ўлғуси маълум кўнгли.

Ҳаётда оддий заҳматқаш, мўмин-қобил, ҳалол-поқ одам-га муносабатда турди дара-жадаги мансабдор шахслар, турли тоифадаги тамағир, дўнабасиз кимсалар ноҳа-диёнатсизлик, юзсизлик қилиши мумкин. Чунки у — ҳимоясиз, сабрли, ке-чиримли, андишали. Ҳали-гилар, аксинча, номард, раҳмсиз, андишасиз. Шу та-рих, бир бечоранинг қис-мати бир неча «золим» ўр-тасида талонда, саргардон, маҳкум аҳволда қолади. «Не-ча золим» образига ҳаётдан яна бошқа тамсиллар келти-риш мумкин. Энг кучли, сал-моқли, ҳаққоний нисбат-об-разларни Навоий келтирган: «давр зулми» (адолатсиз сиё-сат), «давр аҳли» зулми (одамларнинг виждонсизлиги, қаллоблик йўлига «кириши»), «давр офати» (адолатсиз сиё-сат ва одамларнинг маънавий разолати оқибатида содир бўлган жиноятлар, танглик-лар, мушкулликлар, шўру рағволар). Хуллас, шоир қа-ҳрамони — ориф кўнгли анча-мунча золимларга эмас, энг даҳшатли, шафқатсиз, бирор нажот умид қилиб бўлмай-диган қаттол, кўзи кўр, қу-лоғи нар, тили лол машҳум зулмонларга «асир бўлган». Унинг жоғеё ҳолига фақат тангридан раҳм-шафқат ку-тиш мумкин. Шундай қилиб, Навоий уч ташбеҳ уйғунли-гидан («давр», «давр аҳли», «давр офати») таъносиб, икки параллел ташбеҳлар муқо-билигидан «зулми», «золим», «маълум», «асир») тазод санъати воситасида гўл ҳа-ққоний лирик-трагик лавҳа яратди.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

«Тошкент» биржаси — сизнинг ютуқларингизга кафолат беради!

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ БУГҮН — бу халқ истеъмоли моллари, ашёлар ва техноло-гик жиҳозлар савдосининг доимий ўсиб боришидир. — бу минглаб таклиф ва мулоҳазалар.



«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ ЭРТАГА —

— бу 1991 йилнинг охиригача ҳар ойнинг 2 ва 4 ҳафталарида очиқ савдога ўтишдир. Билет нархи — 500 сўм.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ ҲАР ДОИМ

— бу бозор йўлидаги ишончли йўлдош!

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ барча манфаатдорлар-ни ҳамкорликка чорлайди.

БИЗНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ — СИЗ УЧУН! ВАҚТНИ ВОЙ БЕРМАНГ! «ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ

СИЗНИНГ ТАЛАВНОМАЛАРИНГИЗНИ КУТМОҚДА.

Биржанинг алоқа каналлари (сотишга ва харид қи-лишга талабнома):

Телефонлар: 45-83-87, 45-90-79. Матбуот хизмати

(матбуот конференциялари ҳар ойнинг 1 ва 3 чоршан-баларида соат 17 да бўлади) телефон: 45-79-49.

Манзилимиз: 700003, Тошкент, Ўзбекистон проспек-ти, 45 уй.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

«Навоий» Фонд Биржаси

СИЗНИНГ МАНФААТИНГИЗ — БИЗНИНГ ИМКОНИЯТИМИЗ!

Сизда буюк АЛИШЕР НАВОЙИ номи билан аталган шаҳарда бўлишдек имконият бор! Сиз бу ерда ўз маблагингиздан оқилона фойдаланасиз!

«НАВОЙИ» ШАҲАР ТОВАР ФОНД БИРЖАСИ.

Сизга хом ашё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, қурилиш молларидан ёр-дам беради.

АГАР СИЗ БИЗНИНГ АКЦИОНЕРИМИЗ БЎЛСАНГИЗ

Биз — ишончли ҳамкоримиз. Биз билан САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, МОСКВА, КАМЧАТКА, ТОМСК, ТЮМЕНЬ, СВЕРДЛОВСК, ШАРҚИЯ ҚОЗОҒИСТОН бизнесменлари алоқа ўрнатмоқдалар.

Биржамиздаги брокерлик жойларини эгаллашга шошилиг! Бунинг учун акция қийматининг 30 фо-изини тўлаш керак.

ШУНДА СИЗГА ҚИЗИҚҚУМ ҲУДУДИНИНГ бой табиий ва ашёвий имкониятларига йўл очилади;

— ўз манфаатингизга мос тушадиган шартда кредит оласиз.

— ранг-баранг маҳсулотлар Сизга мунтазир бўлади.

БИРИНЧИ САВДО 1991 ЙИЛНИНГ 15 НОЯБРИГА МУЛЖАЛЛАНГАН САВДОДАН ЧЕТДА ҚОЛМАНГ!

Манзилгоҳимиз: Навоий ш, Ленин проспекти, 71.

Телефонлар: 3-62-10, 3-88-02, 3-11-06, 3-27-12.

«НАВОЙИ» ШАҲАР ТОВАР ФОНД БИРЖАСИ.

Халқ депутатлари Шаҳрисабз шаҳар кенгаши Шаҳрисабз шаҳар — 234 Гафур Гулом сайлов округидан Ўзбекистон халқ депутати, «Ужмоол-заготторг» бошлиғи

Отақон МАҲМУДОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг ойда аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

АЛИШЕР НАВОЙИ ДЕИДИЛАРКИ:

Неким ўз қошинида эвур нораво, Улуққа они кўрма асло раво. Нафнинг агар халққа бешак эвур, Балки бу наф ўзингга кўпрак эвур.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Н. С. САЪДУЛЛАЕВ.

Тахрир ҳайъати: А. А. АБДУЛЛАЕВ, Ф. Я. АБДУРАХИМОВА, И. Г. ВОЛКОВ, Д. М. ГУЛО-МОВА, С. С. ГУЛОМОВ, З. И. ЕСЕНБЕКОВ, А. И. КОВАЛЕВ (масъул котиб), Л. П. ҚАЙУМОВ, Тоҳир МАЛКИ, М. МУХАММАДИҚУЛОВА, С. Ф. МУХИДДИНОВ (масъул котиб), Т. Э. НАЗАРОВ (бош му-ҳаррир ўринбосари), З. Қ. НОРМУХАМЕДОВ, Л. Н. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Р. ПИ-ДАЕВ, М. РҶЗИМатов, О. Р. САИДОВ (бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари), В. Н. СИГЕ-ДИН, Ш. ТЕМУРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП

Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма № 5837. 118900 нусхада чоп этилади.